

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**Т.Н. ҚОРИ НИЁЗИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА
ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ



**УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМНИ ЯНГИ СИФАТ БОСҚИЧИГА
КЎТАРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА
ПЕДАГОГИК МУАММОЛАРИ. ХАЛҚАРО ТАЖРИБА**

мавзусидаги республика
илмий-амалий конференциясининг


**III шўъба
МАТЕРИАЛЛАРИ**

Тошкент - 2011 й.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИ**

**Т.Н. ҚОРИ НИЁЗИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА
ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ



**УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМНИ ЯНГИ СИФАТ
БОСҚИЧГА КЎТАРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-
ИҚТИСОДИЙ ВА ПЕДАГОГИК МУАММОЛАРИ.
ХАЛҚАРО ТАЖРИБА**

мавзусидаги республика
илмий-амалий конференциясининг

III шўъба

МАТЕРИАЛЛАРИ

Тошкент - 2011 й.

кучайтириш зарурлигини сингдириш зарур. Ўқувчи куйидагиларни янги билиши лозим: этил кўшилган бензиндан бутунлай воз кечишни таъминлаш, транспорт турлари ҳаракатини оптималлаштириш, транспорт паркинни янгилаш, электрон транспорт ва метрони ривожлантириш, велосипеддан фойдаланишни рағбатлантириш, шовкиндан ҳимояланиш, яшил химоя зоналарини ташкил қилиш ва бошқа химоя қатламларини барпо қилишга доир амалий билимларни ўқувчилар онгига сингдириш мақсадга мувофиқ.

Атмосферанинг ифлосланишида қурилиш индустриясининг улуши 1,8% ни ташкил этади. Бўлажак йўл қурувчи кичик мутахассисларни тайёрлаш жараёнида уларда тупроққа кўрсатиладиган антропоген эрозия хавфи ва ундан ҳимояланиш чора-тадбирлари ҳақида тасаввур уйғотиш зарур.

Унумдорлик хусусиятига эга бўлган ер юзасининг устки ғовак қатлини тупроқ дейилади. Тупроқларнинг табиат ва жамият ҳаётидаги роли тўғри бекиёсдир. Тупроқ биосферадаги модда айланма ҳаракатида асосий аҳамиятга эга. Тупроқ организмлар учун ҳаёт мухити, озуқа манбаи ҳисобланади; тупроқ моддаларнинг кичик биологик ва катта геологик айланма ҳаракатида муҳим аҳамият касб этади. Тупроқ қаттиқ, суюқ ва газсимон компонентлардан иборат бўлиб, иқлим, тоғ жинслари, ўсимликлар ва ҳайвонлар, микроорганизмларнинг ўзаро мураккаб таъсири натижасида пайдо бўлади. Тупроқ тугайдиган ва қишлоқ тикланадиган захиралар қаторига киради, бироқ, янги йўл қурилишда майдондаги тупроқнинг 10-30 см қалинликдаги ҳосилдор қатлами қирқиб олинishi ва кишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган жойларга ташиб борилиши шарт.

Қурилиш майдонидаги дарахтларни заруриятсиз кесмаслик, қурилиш машиналаридан атроф-муҳитга сочиладиган қурилиш материаллари, уларнинг чиқадиган зарарли газлар миқдорини камайтириш лозим.

Ҳар йили сайёрамызда кишлоқ хўжалиги учун яроқли ерлар майдонини шўр босиш, эрозия, чўлланиш натижасида 7 млн гектарга қисқармоқда. Бундан кўринадики қуриладиган автомобил йўлини имкони борича кишлоқ хўжалиги учун яроқсиз бўлган ерлар ҳисобидан лойihalаш лозим. Келтирилиши тавсияларга асосланган ҳолда кичик мутахассисларда экологик кўникма ва малакалар тизими шакллантирилса, келажакда улар экологик маданиятнинг бўлиб, касбий фаолиятида экологик маъсулиятни ҳис этадиган, атроф-муҳит табиат муҳофазаси учун фидойи бўлган шахс бўлиб етишадилар.

ОНА ТИЛИ ДАРСЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ

Н.Р.Мусулмонова,

Қарши ДУ Ўзбек тилшунослиги кафедраси
катта ўқитувчиси, филология фанлари номзоди.

Баркамол шахсни тарбиялаш ҳар қандай ишдан муҳим саналаётган бир вақтда, ёш авлодни тарбиялайдиган муносиб педагог кадрларни тайёрлаш олдимишга қўйилган асосий вазифалардан биридир. Олий ва ўрта махсус ўқув юрти талабаларини замон талаблари асосида ўқитиш, кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, жаҳон тажрибалари билан яқиндан таништириш ва замонавий педагогик технологиялардан унумли фойдаланишга ўргатиш юксак самара ҳамда юқори натижалар гаровидир. Ҳар қандай соҳа мутахассиси ўз устида тинимсиз ишлаши, изланиши, янгиликлардан бохабар бўлиб туриши лозим. Худди мана шу кўникмаларни бугунги куннинг ўқитувчиси ўқувчиларнинг онгига ҳам сингдириб бориши даркор.

Синфхона ёки аудиторияга кириб келадиган ҳар бир ўқитувчи дарс мавзу ва режасини аниқ билиши, мақсади ва унинг натижасини олдиндан башорат қила олиши керак. Бунда, албатта, тажрибаларга таянилади. Тажрибалар нафақат шахсий, балки турли хил бўлиши мумкин. Аксарият ҳолларда кўриб, эшитиб ўрганилган нарсаларни ўзидай қилиб болага етказиш ҳоллари кўплаб учрайди. Аммо ўз устида мукаммал ишлайдиган ва янгиликларга интилувчан интеллигент ўқитувчи эса ўзининг янги гоёлари асосида ишлашга, янги тажрибалар ўтказишга ҳаракат қилади.

Ўрта мактабларда бошқа фанларга нисбатан она тили ва адабиёт фанларига кўпроқ соат ажратилиши бежизга эмас, албатта. Она тилини мукаммал ўрганган шахс нафақат тил илмидан, балки миллий қадриятлар, урф-одатлардан ҳам бохабар бўлади. Чунки улкан имкониятлар бешиги ҳисобланган диёримизда ўқитиладиган она тили фанининг қайси синф дарслигини олиб кўрманг, барчасида миллий қадриятлар, миллий урф-одатлар, миллий байрамлар, буюк алломалар, шаҳарлар тарихи ва кўплаб юртимизга оид далиллар асосида машқлар, матнлар келтирилган. Таҳлил учун бериладиган мисоллар ҳам тарбиявий аҳамиятга эга бўлган гаплардан тузилган.

Ўқувчиларга нафақат таълим, балки тарбия беришда ҳам ўқитувчиларнинг ўрни бекиёсдир. Синфга кириб келган ўқитувчи “Ассалому алайкум, устоз!”, – деган ширин илтифотни эшитгандаёқ, юраги жунбушга келиб, фахр ва ифтихор ҳиссини туймас экан, демак, у ҳали педагогик пиллапоясидан юқорилаб боришга тайёр эмас. Она тили дарсларида келтириладиган мисоллар, бажариладиган машқлар, матн ва суҳбатларда ҳам миллий қадрият ва унинг кадри мужассам бўлиши керак. Ўзбек тили нечоғли бой бўлишига қарамасдан, ўз меъёрларига бўйсунishi лозим. Аммо ўқувчиларни сўз бирикмалари, гап ва матнлар тузишда тилимиздаги сўзлардан ўринли, грамматик ҳатоларсиз фойдаланишга йўналтирамиз. Бола мустақил гап ёки матн тузганда унинг нафақат қурилиши, балки савиясига эътибор берилади. Масалан, 7-синф ўқувчисига “Феълнинг ўтган замон шаклига мисол келтиринг”, – деган топшириққа икки ўқувчи икки хил гап тузган:

1) Биз кеча боққа айлангани бордик.

2) Юртимизда Наврӯз байрами кенг нишонланди.

Кўринишидан келтирилган икки мисол ҳам содда. Лекин иккинчи гапди миллийлик сезилмаяптими?

Бошқа ҳеч бир тилда учрамайдиган бир ҳолатга кўплаб тилшунос олимларимиз катта эътибор беришган. Бу *-лар* кўшимчаси, *-лар* шакли ўндо сон категориясининг «микдор» ва «сифат» категориал маъносини айрим ҳолда ўзига хос тарзда жузъийлаштиради:

1. *Тилларимга кўчалмайди бугимдаги овозим.* (У.Азимов)

2. *Дадамлар келдилар.*

Гапларнинг биринчисидаги сон категорияси шаклини олгин (*тилларимга*) сўзшаклида бу шакл маъно кучайтириш вазифасини бажарган бўлса, иккинчи гапдаги (*дадамлар*) сўзшаклида «хурмат» маъноси ифодаланган. «Кучайтириш» ва «хурмат» - ушбу ҳолатда *-лар* шакли субстанциал табиатига мувофиқ бўлмаган нокатегориал маъно. *лар* шаклининг категориал маъноси «кўплик» бўлиб, бу вазиятда у бевосита зоҳир бўлмаган ва ноль даражага тушгандек тасаввур уйғотади. Биргина *-лар* шакли А. Ғуломов, Ғ.Зиқриллаев, Б.Менглиев, Ш.Шаҳобиддинова ва бошқа кўпгина тилшунос олимлар томонидан турлича талкин қилинди. Лекин *-лар* шаклининг хурматни ифодалашини ҳеч ким рад эта олмайди. Ўзидан катталарга, жамоага, бегоналарга, баъзида ўзидан кичик бўлган шахсларни нисбатан ҳам «сизлаб» муружаат қилиш бизнинг минталитетга хос бўлган миллий кадрият ҳисобланади.

Янги замонавий педагогик технологияларга асосланган дарсларда бош тарбиясига салбий таъсир кўрсатадиган услубларни ҳар доим четлаб ўтилади. Лекин шуни ёдда тутиш керакки, эмоционал-экспрессив бўёққа эга бўлган жарангдор гапларни ҳам ижобий, ҳам салбий таъсирини ўйлаб келтириш лозим. Аудиторияда болалар савиясига қараб келтириладиган мисоллар бажариладиган машқлар, тузиладиган матнлар, ёзиладиган баён ва иншоолар катта ижобий натижаларга олиб келади. Баён ва иншооларни ёзишда эпитетлар ва цитаталар бола савияси ҳамда дунёқарашини кўрсатиб бера олади. Оқитилган улар буюк шахсларнинг ҳикматли сўзлари, мақоллар, насрий ва назмий асарлардан парчалар бўлиши мумкин. Ўқитувчи маслаҳат ва йўл-йўришни кўрсатаётганда доим миллий минталитетга хос бўлган мисолларнинг фойдаланишга йўналтириши керак. Аммо жаҳон адабиёти дурдоналарининг ҳам фойдаланиш фойдадан холи эмас. Танланаётган мавзуга қараб тўғри тузилган режа (содда ёки мураккаб) ҳамда эпиграфлар ёзиладиган баён ва иншооларнинг мазмунини очиб беришга, ўқувчининг чалғимаслигига ёрдам беради.

Умуман олганда, миллий кадриятларнинг ҳар бир дарсида ўз ўрни (иқтисодий) Ижтимоий фанларни кадриятларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда уларнинг ўрни бекиёсдир. Миллий кадриятлар она тили дарсларининг самарадорлигини оширишда катта маънавий эга.

МАКТАБГАЧА КАТТА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ МЕХРИБОНЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА МИЛЛИЙ УРФ-ОДАТЛАР ВА АНЪАНАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

А.Г.Бойматова,

Тошкент шаҳар КҚТМОИ катта ўқитувчиси.

*Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан
ажратиб бўлмайди –бу шарқона қарани,
шарқона ҳаёт фалсафаси*

И.А. Каримов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуганиевич Каримовнинг таъкидлашича "... Халқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзига назар ташлайдиган бўлсак, бошқаларга ҳеч ўхшамайдиган, минг йиллар давомида шаклланган ... меҳр оқибат, меҳр-муҳаббат, кадр-қиммат" каби тушунчалар асрлар мобайнида эл-юртимизнинг дунёқарашини, маънавий ҳаётининг негизи сифатида вужудга келган, ўзбек миллатига хос хусусиятлар буюк кадриятларнинг амалий ифодасидир. Дарҳақиқат, одамзот учун ҳамма замонларда энг буюк бойлик бўлиб келган меҳр-шафқатнинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти шундаки, унинг мазмунида одамларга бўлган хурмат, адолатпарварлик, тенг ҳуқуқчилик, инсон қизиқишларини қониқтириш, уларга озодлик кўрсатиш, мулоимлик, шахснинг жамият билан уйғун бўлиб яшашини, адолатсизликка қарши кураш, етим-есир, бева-бечораларга ва ногиронларга ёрдам кўрсатиш, ачиниш, ишонч, одамийлик кабиларнинг тарихий, диний, маънавий илдизлари чуқур ўрин эгаллаган. Халқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзининг ажралмас қисмига айланган. Бугунги кунда уларнинг ҳар бири мустақилликка садоқат, келажак ва мустақиллик ҳақида қайғуриш, ўзлигини, халқ, Ватан кадр-қимматини тўғри англаш ва уни химоя қилиш моҳиятини белгилайди.

Демак, меҳрибонликнинг моҳияти миллий урф-одатлар, анъаналарга асосланган ҳолда адолат ва ҳақиқат, эркинлик ва мустақиллик ғоялари ҳамда халқимизнинг ишонч ва эътиқодини, эзгу мақсадини, юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлигини таъминлашга, жамият аъзоларини, аҳолининг барча қатламларини Ўзбекистоннинг буюк келажакини яратишга сафарбар этишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонунида ҳам таълим олувчиларни ижтимоий химоя қилиш, етим болаларни ўқитиш, жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонли бўлган болалар ва ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган шахслар учун ўқув-тарбия муассасаларини ташкил этиш кабилар давлат сиёсати даражасидаги долзарб муаммолардан эканлиги кўрсатилган. "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да ҳам таълимнинг инсонпарварлиги ва уни миллий анъаналар ва урф-одатлар билан узвий уйғунлиги эътироф этилган.

С.С.Сайдалиев	Тасвирий фаолият болаларни мактаб таълимга тайёрлаш сифатини ошириш омили	54
Ф.Х.Ибрагимова	Роль английского языка в развитии творческого потенциала студента	57
Р.С.Мухамедова	Использование национального наследия в повышении качества учебно-воспитательного процесса образовательной школы	59
А.Т.Тилегенов А.О.Темирбекова	Ўқувчиларда миллий ва умуминсоний кадрятларни шакллантиришда халқ педагогикасидан фойдаланиш йўллари	60
Н.Абдулахатов	Ёш авлод онгига миллий кадрятларни сингдиришда мукаддас қадамжоларнинг ўрни	63
Б.Н.Алимов	Математика ўқитишда касбга йўналтирилганлик – касб-хунар коллежларида тайёрланаётган бўлажак кичик мутахассисларда билимларни тизимлаштириш омили сифатида	66
Н.Ахмедова	Развитие интеллектуально-творческой деятельности подростков	68
П.Жумабаев	Ўқувчиларга таълим-тарбия беришда ўзбек, қорақалпоқ миллий ўйинларининг аҳамияти	71
Р.М.Юсупов Н.Эрназарова	Умумий ўрта таълим мактабларида математикани ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг мантикий фикрлашини шакллантириш	73
Р.Ж.Юлдашева	Повышение качества непрерывного образования на основе использования национальных ценностей	75
М.Б.Шодмонова	Адабиёт ўқитувчиси касбий тайёргарлигини такомиллаштиришда малака ошириш тизимининг ўрни	77
А.Эргашева	Узлуксиз она тили таълимини янги сифат босқичига кўтаришнинг методик муаммолари	80
Б.У.Мингбаева	Ўқувчиларга миллий кадрятларни сингдириш жараёнининг самарадорлигини таъминлаш	82
Г.Амирова	Табиий материаллардан фойдаланиш воситасида тасвирий санъат дарслари самарадорлигини ошириш	84
Ф.И.Юсупова	Ўқувчиларга индивидуал ёндашув соҳасидаги тарихий тажрибалар	87
Ф.Э.Абдуқудусова	Абдулла Авлонийнинг таълим жараёнини ривожлантирувчи дидактик кадрятлари	92
Б.Махкамов Э.Г.Туракулов Й.Х.Азимов	Узлуксиз таълим тизимида табиат ва жамиятнинг ўзаро таъсири масалаларини ўргатиш	94
Ф.И.Юсупова М.И.Юсупова	Кимё фанини ўқитиш жараёни самарадорлигини таъминлаш имкониятлари	97
Т.Г.Бўтаева	Тарих фанини ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг экологик билимларини ривожлантиришнинг оптимал механизмлари	99
Б.Х.Рахимов Б.А.Назарова,	Творческая активность педагога	103

Ш.Ф.Холматов О.Худжаниязова З.Абдухоликов		
Х.Юсупова	Ўқувчиларни миллий ўз-ўзини англашга ўргатиш маданиятлараро мулоқотга тайёрлашнинг муҳим шарти сифатида	106
Ў.Носиров Б.Жўраев	Ўқувчи-ёшлар ижтимоий фаоллигини таъминлашда миллий маънавий кадрятларнинг ўрни	109
А.М.Мирзаев	Узлуксиз таълим тизимида ўқувчиларни белбоғли кураш усуллари билан таништириш – баркамол авлод тарбияси омили сифатида	111
О.Сотибоддиев	Инглиз тили дарсларида таълим сифатини таъминловчи вазиятларни лойихалаш	114
У.Хуснетдинов	Ўзбекистонда болалар экологик ҳаракатининг ривожланиш тенденциялари	116
Н.Ботирова	Ўзбекистон тарихи дарслари самарадорлигини таъминлашда меъморий кадрятлардан фойдаланиш	119
П.Ходжаев Б.Махмудов	Жисмоний тарбия дарсларининг самарадорлигини оширишда халқ миллий ўйинларидан фойдаланиш	121
С.Алимова	Математикадан синфдан ташқари машғулотларда аждодларимиз миллий меросларини ўрганиш	123
Б.А.Махмудов	Харакатли ўйинлардан миллий кадрят сифатида фойдаланиш воситасида жисмоний тарбия дарсларининг самарадорлигини ошириш	126
Ш.Хасанова	Тарихий обидалар воситасида мактабгача катта ёшдаги болаларда миллий ғурур элементларини шакллантиришнинг ижтимоий-педагогик моҳияти	128
Х.Юсупова М.Юсупова	Ўқувчиларни маданиятлараро мулоқотга тайёрлаш ижтимоий педагогиканинг долзарб муаммоси	132
А.Ю.Кучкинов	Интерфаол усуллар воситасида бошланғич синф ўқувчиларини табиатни эъзозлаш руҳида тарбиялаш	134
Н.Х.Менгникулова С.Б.Гиловова	Узлуксиз таълим тизимида математика дарслари орқали ўқувчиларнинг экологик билимларини ривожлантириш	137
Г.Амирова З.Шералиев	Синфдан ташқари машғулотларда табиий материаллардан фойдаланиш бадий таълим самарадорлигини ошириш имконияти сифатида	140
Х.Х. Хўжанов А.Ғ.Норбоев	Касб-хунар коллежи ўқувчиларида экологик кўникма ва малакаларни шакллантириш	142
Н.Р.Мусулмонова	Она тили дарслари самарадорлигини таъминлашда миллий кадрятларнинг ўрни	145
А.Г.Бойматова	Мактабгача катта ёшдаги болаларни меҳрибонлик руҳида тарбиялашда миллий урф-одатлар ва анъаналардан фойдаланиш	147
Н.А.Мансуров	Миллий кадрятлар воситасида ўқувчи-ёшларни бадий касбларга йўналтириш	149
Г.Тошова	Таълим мазмунини инсонпарварлик тамойили асосида такомиллаштиришнинг самарадорлиги	152

М.М.Арсланова	Ақли заиф болаларда нуткнинг семантик томони ривожланишининг илмий назарий аспекти	154
Н.Турсуналиев М.Қодирова	Наққошлик тўғаракларида ўқувчиларга рангшуносликни ўргатишда мутафаккирлар меросидан фойдаланиш	157
М.Мусаева	Таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини таъминлашда аждодларимиз таълимотининг аҳамияти	159
Ш.Б.Очлов	Физика таълими жарёнида ўқувчиларга экологик таълим бериш	162
Е.А.Данилова	Нравственно-эстетическое воспитание учащихся начальных классов как способ повышения эффективности непрерывного образования	166
Д.П.Ходиева Ф.Камилова	Меҳнат дарсларида табиий материаллар билан ишлашда ўқувчиларни ижодий изланишга ўргатиш	169
Х.Р.Калмуратова	Миллий кадрятлар асосида таълим мазмуни самарадорлигини ошириш масалалари	170
Н.Алимова	Ўқувчиларнинг физика фанига бўлган кизиқишларини орттиришда аждодларимиз меросидан фойдаланиш	172
Э.Хасанов Х.Хужанов	Инсон экологияси билан ўқувчиларни таништириш	175
Н.И.Тешабоева	Узлуксиз таълим тизимининг сифат ва самарадорлигини таъминлашда мустақил ишларнинг ўрни	177
С.А.Юнусходжаева	Бадий йўналишдаги олий таълим масканларида халқнинг бой миллий маданиятидан фойдаланишнинг афзалликлари	180
М.Пўлатова	Тўғарак машғулотида ўқувчиларнинг қашқачиликка оид билимларини такомиллаштириш	182
Д. Одилова	Тарбияда маънавий-ахлоқий кадрятлардан фойдаланиш масалалари	184
R.A.Ro`ziyev S.X.Abjalilov	Tenglama va tenglamalar sistemasini grafik usulda yechishda axborot texnologiyalari	187

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМНИ ЯНГИ СИФАТ БОСҚИЧИГА
КЎТАРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА ПЕДАГОГИК МУАММОЛАРИ.
ХАЛҚАРО ТАЖРИБА
 мавзусидаги республика
 илмий-амалий конференциясининг
 III шўъба
МАТЕРИАЛЛАРИ
 11.10.2011 йилда босишга рухсат этилди. № 93-бўйр.та.
 Ҳажми 12 ^{1/16} босма табоқ. Адади 100 нуска.
 НавДПИ босмахонасида чоп этилди.
 Навоий шаҳри Ибн Сино-45.